

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
1 январь
ДУШАНБА

№ 1 (13054)

www.thtp.uz



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!
Қадри дўстлар!
Жонажон Ватанимизга Янги – 2018 йил кириб келмоқда.
Сиз азизларни, мўътабар нурунийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу кутлуғ айём билан самимий табриқлайман.
Барчангизга сийҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.
Минг шукрки, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамадан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.
Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.
Халқимизнинг фидокорона меҳнати

билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруж юз билан яқунлашга эришдик.
Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадри юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.
Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.
Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янги раҳна ва мазмун касб этмоқда.
Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада қўлайитириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттираримиз.
Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам,

Янги йил байрами билан табриқлаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиш.
Азиз юрдошлар!
Биз Янги – 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном бердик.
Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барло этамиз.
Халқро майдонда кескин рақобат қўлайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлдир.
Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.
Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолиимиз даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.
Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тоғувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни

мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.
Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиз.
Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргаликда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.
Азиз ва муҳтарам ватандошларим!
Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги – 2018 йилга қадам қўймоқдамиз.
Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!
Барчангизга дунёдаги энг катта бахт – оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолни кўриш насиб етсин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

2018 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

2018 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва дам олиш, байрам кунларидан оқилона фойдаланиши, шунингдек, ички туризмни янада ривожлантириш мақсадида:

1. 2018 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:
2 январь – сешанба;
20 март – сешанба;
31 август – жума.
2. 2018 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

- 6 январь – шанба 3 январь – чоршанбага;
17 март – шанба 19 март – душанбага;
24 март – шанба 22 март – пайшанбага;
25 август – шанба 23 август – пайшанбага;
26 август – якшанба 24 август – жумага;
8 сентябрь – шанба 3 сентябрь – душанбага;
15 сентябрь – шанба 4 сентябрь – сешанбага;
29 декабрь – шанба 31 декабрь – душанбага.

3. Белгилаб қўйилсинки:
бюджет ташкилотларида қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу фармоннинг 1-бандига мувофиқ белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

бюджет ташкилотларида қўшимча дам олиш фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда ташкилотнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат шартномалари ёки иш берувчи томонидан қасаба уюшма қўмитаси билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ички ҳужжатларда белгиланади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириши ҳисобига олган ҳолда 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (А. Хаитов);
Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши (Қ. Рафиқов), Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Абдуҳакимов), Молия вазирлиги (Ж. Қўқоров) ва Иқтисодиёт вазирлиги (Б. Ҳўжаев) билан биргаликда ходимларнинг дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланиши таъминлаши инобатга олган ҳолда келгуси календар йили учун қўшимча дам олиш кунларини белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида ҳар йили 15 октябрдан кечикмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

Давоми 2-бетда. »»»

Зиёрат

Халқимизнинг асрий орзулари ушалаб, эътиқод меҳварига кенг йўл очилган истиқбол йиллари минглаб юрдошларимиз муборак Ҳаж амалларини бажарди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бу каби эзгу амаллар янада чуқур мазмун-моҳият касб этмоқда.

«КИЧИК ҲАЖ»НИНГ КАТТА САВОБИ

Давлатимиз раҳбарининг муқаддас Ҳаж ва Умага борадиган ҳаюмларимиз, даставвал, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасида бўлиши ҳақидаги тақлифи асосида, вилоятимиздан "Умага – 2018" мавсумида зиёратга боровчиларнинг Самарқандга сафари уюштирилди. Асосий мақсад Имом ал-Бухорийдек улғу аждодимизнинг инсонийлик фазилатларини тараннум этувчи улғувор таълимоти, шунингдек, Ғури Амир, Регистон, Бибиҳоним, Шоҳизинда мажмуалари билан таништиришдан иборатдир. Зеро, дунёнинг турли бурчакларидан Ҳаж амалини бажариш учун келганлар Ўзбекистондан борган зиёратчиларга алоҳида ҳурмат билан қараш бор гап.
– Муборак Умага сафари олдидан Имом ал-Бухорий мажмуасида бўлар эканман, қалбимни чуқур ҳаяжон, эҳтиром ва илос туйғуларига қамаб олди, – дейди қибрайлик Умида ая Умарзоқова. – Бежиз бу табаррук маскан зиёрати ярим Ҳаж амалига тенглаштирилмаган.
– Қўҳна Самарқанд сафари вилоятдошларимиз учун бекиёс маънавий-маърифий озуқа бўлиши шубҳасиз, – дейди "Миллий тикланиш" партияси вилоят бўлими раиси Маҳмуд Назаров. – У ерда зиёратчиларимиз Маккадан келтирилган Каъбапўш, Туркия президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг соғаси – улкан Қуръон китобини чуқур ҳаяжон билан кўздан кечиришди. Шунингдек, Биринчи Президентимиз қабрини ҳам зиёрат қилишди.

Ўз мухбиримиз.

БАРЧА ШОДЛИК СЕНГА БЎЛСИН, БОЛАЖОН!

Бутун вилоятимиз бўйлаб ўтказилган "Президент арчаси" шодиёналари, Янги йил тантаналари ҳаммамизга, айниқса, бола-жонларга олам-олам қувонч бағишлади.

Президент арчаси

...Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" саройи байрамона безатилган. Бу ерга вилоятимиздаги Меҳрибонлик ва Муруват уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимлари фарзандлари тақлиф этилди.

Байрам шодиёнаси бошланди. Рангин чироқларга бурканган арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз, ялмоғиз каби турли эртак қаҳрамонлари пайдо бўлди. Саройда намоиш этилган турли томошалар, ҳазил-мутойибалар йилгиланлар қайфияту руҳиятини кўтарди. Ижро этилган куй-қўшиқлар, театр-

лаштирилган томошалар рақсларга уланиб кетди.
Тадбирда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, таълим-тарбия олиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилгани, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тантананинг азиз меҳмонлари – жажжи ўғил-қизларимизга ўқув қуроллари ва ширинликлардан иборат Президент совғаларини вилоятимиз ҳокими вазифасини бажарувчи Фуломжон Ибрагимов топширди.
– Янги йил байрамини нимагадир бошқача яхши кўраман, – дейди Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик

уйи тарбияланувчиси Чарос Йўлдошева. – Арча атрофида маза қилиб ўйнаймиз, қўшиқлар айтаемиз. Энг асосийси, Президентимизнинг бизга аталган совғаларини оламиз.

"Президент арчаси" тадбирининг ранг-баранг дастури, бир-бирдан қизиқ томошалари мурғак кўнгилларга унутиларилаётгани алоҳида таъкидланди.

– Бу каби тадбирлар бола руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади, – дейди Бўжа туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Озода Каримова. – Доимий эътибор ва ғамхўрликда эканини ҳис этади. Бу ҳолат уларни янада яхши ўқишига, ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб улғайишига хизмат қилади.

Холмурод САЛИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.



КУН ТАРТИБИДА – ЙИЛ САРҲИСОБИ

Нурафшон шаҳрида 2017 йил 30 декабрь куни вилоят фаоллари иштирокида йил сарҳисобига бағишланган ишчилик йилнинг бўлиб ўтди. Вилоят селектор кўринишида ўтган оқибат мулоқотда вилоят ҳокими ўрибосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибият раҳбарлари, вилоят бошқарма ва

Вилоят ҳокимлигида

Ватанимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқелик – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси муҳокамаси ва ушбу тарихий ҳужжатдан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланган йилги ишчилик йилида таъкидланганидек, бундан буён давлатимизда халқ манфаатларини ҳимоя қилиш давлат бошқаруви асосий мезонини белгилайди.

ташкilotлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, ҳудудий секторлар бошлиқлари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари иштирок этдилар.

Йилги ишчилик вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Фуломжон Ибрагимов бошқарди.
Ийгилишда бир қатор бошқарма ва идоралар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2017 йилги фаолияти юзасидан ҳисоботлари тингланиб, улар эътибори янги – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилидаги устувор вазифалар ижросига қаратилди. Кўплаб соҳа ва тармоқларда амалга оширилган ишлар қониқарсиз деб топилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур топшириқ таъминил Янги йилда ҳам барча саъй-ҳаракатларимизнинг энг асл мақсади ва мазмуни бўлиб қолиши шартлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман, деб қайд этди вилоят ҳокими ўз нутқида.

Ийгилишда бир қатор бошқарма ва идоралар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2017 йилги фаолияти юзасидан ҳисоботлари тингланиб, улар эътибори янги – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилидаги устувор вазифалар ижросига қаратилди. Кўплаб соҳа ва тармоқларда амалга оширилган ишлар қониқарсиз деб топилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур топшириқ таъминил Янги йилда ҳам барча саъй-ҳаракатларимизнинг энг асл мақсади ва мазмуни бўлиб қолиши шартлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман, деб қайд этди вилоят ҳокими ўз нутқида.

Ўз мухбиримиз.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Депутатлар дастлаб Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган 20-«Искандар», 31-«Янгиобод», 34-«Ўзбекистон» сайлов округларига 2017 йил 24 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов якунлари ва сайланган депутатларнинг ваколатларини эътироф этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Кун тартибдаги масала юзасидан вилоят сайлов комиссияси раиси Ф. Муҳамедовнинг ахбороти тингланди.

Сессия 2018 йил учун Тошкент вилояти бюджетни даромадлари ва харajatлари миқдори, даромадлардан маҳаллий бюджетларга ажратмалар меъёрлари, айланма касса маблағлари ва бюджет-

га оид бошқа кўрсаткичларни тасдиқлаш масаласини атрофлича муҳокама қилди.

Масала юзасидан вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи Ф. Худойбердиевнинг ҳисоботи эшитилди. Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга молик бўлган ушбу масала депутатларнинг қизгин баҳс ва мунозараларига сабаб бўлди. Қарор лойиҳасини тузатиш ва қўшимчалар билан бойитиш юзасидан аниқ тақлиф ва талаблар ўртага ташланди.

Шунингдек, депутатлар вилоят ҳокимининг ташкилий масалаларга доир бир қатор қарорларини ҳам тасдиқдан ўтказдилар.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

қадрли вилоятимиз аҳлини

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион зоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили билан самимий қутлайди!

Азиз дўстлар!

Бугунгидек мунаввар кунларда халқимиз эришган ютуқ ва марраларни ҳар тарафлама таҳлил қилиб, ислохотларнинг янги босқичига қадам қўяётган эканмиз, ютуқларга маҳлиё бўлмай, халқимиз дарду ташвишларини теранроқ англаш, жойларда ечимини кутиб ётган кўлаб муаммо ва масалаларга биргаликда ечим излаш ҳар жиҳатдан тўғри йўлдир. Шу борада давлатимиз раҳбари – муҳтарам

Президентимизнинг: "Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага ё узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшашни истайди. Уларга бугун яхши шароит яратиб беришимиз керак, айни кунда барча амалга ошираётган ишларимиздан кўзланган мақсад-муддо ҳам шудир", деган даъвати ҳаётимизнинг бош дастуриламалига айланиши кераклигини, ўйлаймизки, барчамиз яхши тушунамиз.

Бинобарин, поёнига етган "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да миллий тараққиётимизнинг энг муҳим ва устувор йўналишларини ўзида акс эттирган "Ҳаракатлар стратегияси"нинг ҳаётга изчил татбиқ этила бошлангани, барча даражадаги раҳбарларнинг шахсан маҳалларда бўлиб, одамлар хонадонига кириб, мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилишга интилиши, одамларимизнинг дардига қулоқ тутиши, халқимизнинг руҳини кўтариб, эртанги кунга, давлатга, сиёсатга ишончини мустаҳкамламоқда. Энг муҳими, биз бу борадаги ишларни Янги йилда ҳам изчил давом эттириб, ҳақиқатан ҳам халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга сидқидилдан хизмат қилишини таъминлаймиз.

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!



ИМКОНИАТ

Янги – 2018 йилни тадбиркор Азизбек Солиев кўтаринки кайфиятда кутиб олди. Айтин жонз, у 2017 йили Юқори Чирчиқ туманида катта бир корхонага асос солиди. Бир юз ўн нафарга яқин киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада болалар учун бир марталик гигиеник тагликлар ишлаб чиқарилмоқда.

«ЯНГИБОЗОР» ДАН ЖАҲОН БОЗОРИГА

Азизбек – ишнинг кўзини биладиган тадбиркор. Таъкидлаш ўринли, у 2017 йили истиқболли, деб топилган лойиҳаси учун ажратилган 2,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари ва давлатимиз томонидан берилган солиқ имтиёзлари ҳисобига жамғирилган 800 минг АҚШ доллари эвазига хориждан ускуналар харид қилиб, мазкур янги линияни ишга туширди.

– Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган алоҳида эътибор менга куч-ғайрат бағишламоқда, – дейди А. Солиев. – Бинобарин, ишлаш истаги борларга имконият етарли. Солиқ борасидаги имтиёзларни айтмайсизми. Энди тадбиркорлар ишига, қонуний фаолиятига ҳеч ким гов бўла олмайди. Бу – соҳа ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбиркорнинг Янги йилдан умиди катта. Айни кунда кийимли болалар тагликлари лойиҳасини амалиётга татбиқ эта бошлади. Ҳозирда дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказилди. Режаси – ишни янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини бундан-да яхшилаш.

Дарвоқе, корхона маҳсулотлари экспортга ҳам чиқарилаётир. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиқли болалар тагликлари Киргизистон, Қозғистон, Тоғжикистон бозорларида сотилмоқда.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ БАЙРАМИ



Янги йил – дунё мамлакатларида ўзгача шуқуҳ ва қувонч билан нишонланадиган байрамдир. Кўпчилик байрам қандай кутиб олинса, йил ҳам ўшақдай кайфиятда ўтишига ишонади. Янги йилни ҳар бир халқ ўзига хос тарзда нишонлайди. Бу байрам йилдан йилга турлича урф-одат ва удулар билан бойиб бораверади.

Янги йилни ҳар бир халқ ўзига хос тарзда нишонлайди. Бу байрам йилдан йилга турлича урф-одат ва удулар билан бойиб бораверади.

Янги йил қаердан бошланади?

Кўпчилик Янги йилни биринчи бўлиб Австралия ёки Кунчиқар юрт – Япония аҳолиси қарши олади, деб ўйлайди.

Лекин ундай эмас. Янги йил биринчи бўлиб, Тинч океани бағридаги орол мамлакатлар – Киримати Республикаси ва Тога Қироллиги ҳудудига кириб келади. Байрамни охири бўлиб Самоа халқи нишонлайди.

Арча ўрнига ўрик новдаси

Одамлар арчасиз Янги йил бўлмайди, деб ҳисоблашади. Лекин, вьетнамликларнинг фикри бошқача.



Вьетнамда Янги йилни Тет, деб аташади. Байрамда барча араз ва гина-қудудларни унутилади. Байрам окшомида вьетнамликлар бир-бирларига гуллаш арасида турган, ғураси бор шафтоли дарахти новдаларини совға қилишади. Кўчалар эса гуллаётган новда ва гулдасталар билан безатилади. Мамлакат жанубидаги уйларда эса беш дона ўрик гули бўлган новдалар "арча" вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, уй меҳробига тарвуз қўйилади. Унинг қип-қизил, ширин бўлақлари омад келтирар экан. Тет ойлави байрам бўлиб, катталар кичкиналарга қизил халтачаларда пул совға қилишади. Шу кун и аёллар қизил ва сарик, эркеклар эса қора рангли кийимлар кийишади.

ратлар унутилади. Байрам окшомида вьетнамликлар бир-бирларига гуллаш арасида турган, ғураси бор шафтоли дарахти новдаларини совға қилишади. Кўчалар эса гуллаётган новда ва гулдасталар билан безатилади. Мамлакат жанубидаги уйларда эса беш дона ўрик гули бўлган новдалар "арча" вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, уй меҳробига тарвуз қўйилади. Унинг қип-қизил, ширин бўлақлари омад келтирар экан. Тет ойлави байрам бўлиб, катталар кичкиналарга қизил халтачаларда пул совға қилишади. Шу кун и аёллар қизил ва сарик, эркеклар эса қора рангли кийимлар кийишади.

Мусиқа садолари ва мушак жиюлари

Австралияда Янги йил ёз мавсумига тўғри келади. Байрамда таникли мусиқачилар концерти ва ажойиб мушакбозлик шоулари ташкил этилади.

Барча тадбирлар очиқ осмон остида ўтказилади. Сиднейда ярим тундан дунё бўйича энг катта мушакбозлик бошланади, уни томоша қилишга миллионлаб одамлар тўпланишади. Мельбурнда ракс кечалари ўтказилиб, 500 мингга яқин саёҳатчилар йигиладилар. Брисбенда жонли мусиқа концертлари бўлади. Мамлакатнинг кичик штатлари – Виктория ва Тасманияда Янги йил арафасида машҳур мусиқали фестивал ўтади, унда бутун Австралия ёшлари тўпланиди.



Италияда Янги йилнинг энг катта намойиши Римдаги Пьяцца дель Пополо майдонида бўлади. Италияликлар Қорбобони Баббо Натале, деб аташади. Бироқ байрам соғаларини болаларга у эмас, балки Фея Бефана улашади. Афсоналарга қўра, у ярим тунда учиб келиб, йил бўйи ўзининг яхши хулқи ва одоби билан бошқаларга ўрناк бўлиши кутадилар. Энг қизиқарли маросим эса, 12 дона узум истеъмол қилиш удуמידир. Янги йил кириб келиши арафасида соатнинг ҳар бир бонг уришида одамлар биттадан узум донасини оғизга ташлашади. Шундан сўнг одамлар уйларига қайтиб, ойлави байрам дастурхони атрофида жам бўлишади.

да, дўстлар даврасида, турни клубларда, театрларда ва баъзан уйда ўтказишади. Янги йил кирганини ярим тунда осмондаги ҳайратомуз мушакбозликлар, автомобиль сиреналари овозидан билиш мумкин. АҚШ аҳолисининг яқдил фикрига қўра, энг зўр байрам дастури Нью-Йорқдаги Тайм-скверда бўлиб ўтади. Айнан шу ерда машҳур Шар тантанали учурилади ва у минглаб неон лампалари билан ярқирайди. Машҳур фестиваллар – пантомимо паради ва атиргуллар мусобақаси Янги йил байрами билан боғлиқ.


Баббо Натале ва Фея Бефана

Италияда Янги йилнинг энг катта намойиши Римдаги Пьяцца дель Пополо майдонида бўлади.

Байрамларнинг "довдаси"

Янги йил – АҚШда 1 январь кунини расмий байрам сифатида нишонланади. Сайиллар бир кун олдин бошланади.

Америкаликлар, одатда, байрам кечасини ресторан-



ган болаларга турли шигринликлар, тўполончиларга эса кўмир бўлагини қолдириб кетади. Рим анъаналарига қўра, Тибр дарёси устидаги кўприқдан ўзини сувга ташлаган инсон йил бўйи бахтли бўлади, деб ҳисобланади. Мазкур мамлакатда Янги йил кечаси уйдаги барча эски нарсалар ташқарига чиқариб ташланади.

Италияликларнинг Янги йил дастурхонида, албатта, ёнғоқ, ясиқ ва узум бўлиши шарт. Чунки улар наздида бу маҳсулотлар узоқ умр кўриш, саломатлик ва фаровонлик рамзидир. Италияда яна бир удулар бор: "Агар дўстларга совға қилишга ҳеч нарсанг бўлмаса, унда сув билан зайтун новдасини ҳадя қил".

Ҳа, Янги йил дунёнинг ҳар бурчагида ўзгача ва ранг-баранг тарзда нишонланса-да, одамларнинг тилаклари қордек оппоқ ва соф, орзу-ниятлари покиза ва тозадир. Бу байрам болажонларнинг шодон ва беғубор кулгиларига тўлалиги билан ҳам қадрли ва шуқуҳдир.

12 та узум довдаси

Испанияда Янги йил давлат байрамларидан бири ҳисобланади ва 1582 йилдан бошлаб, оммавий тарзда нишонланади.

Испанияда байрам муносабати билан ўзгача маросимлар пайдо бўлган. Байрам кечасида халқ мамлакатнинг катта ва кичик шаҳарларидаги бош майдонларда тўпланади ҳамда қадимий соат ва кўнғироқларнинг бонг ури-



шини кутадилар. Энг қизиқарли маросим эса, 12 дона узум истеъмол қилиш удуמידир. Янги йил кириб келиши арафасида соатнинг ҳар бир бонг уришида одамлар биттадан узум донасини оғизга ташлашади. Шундан сўнг одамлар уйларига қайтиб, ойлави байрам дастурхони атрофида жам бўлишади.

З. АҲМАДОВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти, "Тошкент вилояти ҳудудиди шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2017 йил 22 декабрдаги 46-сонли Баённомаси қарори билан: Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан, "TRANS AVTO SANJAR SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига "Тошкент вилояти ҳудудиди йўловчиларни шаҳарда автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 001124 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати 2017 йил 22 декабрдан тугатилганини маълум қилади.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига "Transit Yul Terminali" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган, Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Увак ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 7,2 Га., қурилиш ости майдони 1018,31 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 565,19 кв.метрдан иборат нотуражой (Е-контейнер майдони) бино-иншоотлари чиқарилганлигини маълум қилади. Бошланғич баҳоси – 11 926 473 451,65 сўм.

Савдо бўлиб ўтмаса, тақририй савдолар 2018 йил 8 февраль ва 15 февраль кунлари бўлиб ўтади. Талабномалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабнома билан биргаликда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулккий мажмуларнинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги куйидаги ҳ/р: 20208000904920609114, МФО 0136, ИНН 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: (0371) 228-84-48. Факс: (0371) 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.



